


ХИТОЙ ВА ҚАТАР: СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-725-728

Б.М.Хужаев

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи

***Аннотация.** Ушбу мақолада Хитой ва Форс кўрфази, хусусан Қатар давлати ўртасидаги сиёсий-иқтисодий алоқалар ёритилган. Икки мамлакатнинг экспорт-импорт таркиби таҳлил қилинган. Мамлакатларнинг бир-бири учун устувор соҳалар алоҳида ўрганиб чиқилган.*

***Калим сўзлар:** Хитой, Қатар, Форс кўрфази, ташқи савдо, экспорт, импорт, ялпи ички маҳсулот.*

***Annotation.** This article describes the political and economic relations between China and the Persian Gulf, especially the state of Qatar. The export-import structure of the two countries is analyzed. The mutual priority areas of the countries are studied thoroughly.*

***Keywords:** China, Qatar, Gulf, foreign trade, export, import, gross domestic product.*

Форс кўрфази нефт ва газ ресурсларга бой минтақа ҳисобланиб, дунё нефт захирасининг 48.3%, газ захирасининг эса, 40.3% қисми айнан шу ҳудудда жойлашган¹. Кўрфаздаги Эрон, Саудия Арабистони, Ироқ, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари каби нефт қазиб олувчи мамлакатлардан бири бўлган Қатар табиий газ захиралари бўйича дунёда Россия ва Эрондан кейин учинчи ўринни эгаллайди².

Қатар иқтисодиётининг асосини нефт-газ саноати ташкил этади. Углеводород экспорти эвазига олинган даромадлар ҳажмининг доимий ошиб бориши натижасида, амирлик сўнгги йилларда инфраструктурани ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга ўн миллиардлаб доллар сарфлаётганини кўриш мумкин. Асосий эътибор транспорт инфраструктураси

¹ BP Statistical Review of World Energy 2021. London. 2021. P. 34.

² В. Исаев. Государство катар в современном мире. Мировая экономика и международные отношения, № 4, 2014, с. 125.

объектлари, турар жойлар қуриш, айниқса соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларига қаратилмоқда. Буни эса, кўп жиҳатдан 2022 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионатида мезбонлик қилиш айнан амирлик зиммасига тушгани билан изоҳлаш мумкин. Бундай юқори савиядаги спорт тадбири Яқин Шарқ минтақасида биринчи бор ўтказилишидир. Шу сабаб, мазкур тадбир мезбон мамлакатнинг дунё давлатлари ўртасидаги нуфузини оширишига шубҳа йўқ³.

Амалга оширилаётган самарали ислохотлар натижасида Қатар юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқда. Хусусан, 1999-2017 йилларда харид қобилияти паритети бўйича Қатар ялпи ички маҳсулоти барқарор ўсиш кўрсаткичларини қайд этиб, 12.3 млрд. доллардан 339.5 млрд. долларга етган⁴.

2019 йилда иқтисодий рақобатбардошлилик кўрсаткичи бўйича 141 мамлакат орасида Қатар 29-ўринни эгаллади. Бу Бирлашган Араб Амирликларидан кейин Форс кўрфази минтақасидаги иккинчи кўрсаткич ҳисобланади⁵.

АҚШ, Саудия Арабистони ва Эрон билан муносабатларда мувозанатни сақлаган ҳолда Форс кўрфази мамлакатлари билан яхши қўшничилик сиёсатини юритиши ҳамда Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши, Араб давлатлари лигаси ва бошқа кўптомонлама тузилмалар доирасида олиб борилаётган фаол сиёсат Қатарни минтақадаги энг нуфузли давлатлардан бирига айлантирди.

Амирликнинг сўнги йиллардаги ташқи сиёсатига эътибор қаратилса, экспорт асосан Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Хитой ҳиссасига, импорт эса, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Германия каби мамлакатлар ҳиссасига тўғри келишини кузатиш мумкин⁶. Бу эса, Қатар ташқи савдосида бошқа ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатлар қаторида Хитой ҳам муҳим рол ўйнашини англатади.

Шу ўринда, Хитойнинг Форс кўрфази мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни тобора ривожлантиришга интилаётганини қайд этиш лозим. Бинобарин, бу минтақа мамлакатлари билан муносабатлар Хитой ташқи сиёсатида ўта муҳим ўринни эгаллайди.

Бирок, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, 1990 йилларгача Хитой Форс кўрфази минтақасидаги воқеаларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатмаган.

³ Э. Касаев, Қатар – активный спонсор «арабской весны»: предпосылки, последствия и российский фактор, Россия и мусульманский мир 2015 – 3 (273), Москва 2015. С. 123.

⁴ <http://www.indexmundi.com/g/g.aspx?c=qa&v=65>

⁵ World Economic Forum – The Global Competitiveness Report 2019. P. 15.

⁶ Qatar in Figures 2020. Planning and Statistics Authority. P. 47.

Масалан, Яқин Шарқ масалалари бўйича Лондон иқтисодиёт мактаби профессори Фред Халидайннинг фикрича, Яқин Шарқнинг замонавий тарихини яқин вақтгача Хитой мавзусига тўхталмасдан ёзиш мумкин бўлган. Россиялик дипломат, Москва давлат халқаро муносабатлар институти профессори С.З.Жизнин 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан Хитой энергия экспортчисидан импортчисига айланганини ёзади. Бунда энергетика соҳасида хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, нефт импортини диверсификация қилиш, мамлакатга углеводород ресурсларининг барқарор этказиб бериш, чет элдаги давлат нефт компаниялари фаолиятини дипломатик қўллаб -қувватлаш ташқи сиёсатнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Хитойнинг Форс кўрфази мамлакатларининг табиий бойликларига бўлган қизиқиши унинг энергия хом ашёсига бўлган катта эҳтиёжи ҳамда иқтисодий ривожланишнинг тез суръатлари билан бевосита боғлиқ. Форс кўрфази ҳалигача Хитой учун Ангола, Россия, Қозоғистон, Бразилия, Венесуела, Вьетнам, Ғарбий Африка ва Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатларидан етказиб бериладиган нефт ҳажмини оширишга бўлган уринишларга қарамай асосий энергия экспорт қилувчи минтақа ҳисобланади⁷.

XXI аср бошларида Хитойнинг жадал иқтисодий ривожланиши мамлакат дипломатиясининг фаоллашишига олиб келди. "Дунё устахонаси" ҳисобланган Хитой ўз маҳсулотлари учун тинимсиз янги бозорларни қидирмоқда ва экспорт географиясини кенгайтirmoқда. Бу эса, дунёнинг турли минтақалари билан сиёсий-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашни тақозо этади.

Форс кўрфази минтақасининг Хитой учун аҳамияти учта омил билан боғлиқ. Биринчидан, Хитой дунёдаги энг йирик нефт импортчиларидан бири бўлиб, унга "қора олтин"нинг катта қисмини Яқин Шарқ мамлакатлари етказиб беради. Иккинчидан, Яқин Шарқ минтақаси Хитой товарлари учун энг йирик бозорлардан биридир. Учинчидан, Хитой хавфсизлик масалаларида ҳам ўзаро ҳамкорликни кучайтириш тарафдоридир⁸.

Шу сабабли, ҳозирги кунда Хитой ва Қатарнинг ўзаро муносабатлари қатор соҳалар, хусусан энергетика, инвестициялар, савдо-сотик ва хавфсизликни таъминлаш борасида тобора кенгайиб бормoқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиш босқичларини учта асосий даврга бўлиш мумкин: биринчиси 1988 йил икки

⁷ М.Ф. Ильминская, Регион Персидского залива как зона геополитических интересов Китая. <https://cyberleninka.ru/article/n/region-persidskogo-zaliva-kak-zona-geopoliticheskikh-interesov-kitaya/viewer>

⁸ А.И. Александров О политике Китая в регионе Персидского залива. <http://www.iimes.ru/?p=24319>.

мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар бошланганидан то 1999 йилгача собиқ амир Ҳамад Ол Сонийнинг Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрган пайтгача бўлган давр. Бунда икки мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлик салоҳияти ва имкониятлари ўрганилган, айниқса, энергетика, нефт-кимё ва савдо бўйича ихтисослашган делегациялар икки мамлакат ўртасида алмашилган. Иккинчи босқичнинг бошланишига собиқ амирнинг Хитойга навбатдаги ташрифи сабаб бўлган. Айнан шу ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкам пойдевори яратилган, шу билан бирга икки мамлакат ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа турдаги ҳамкорликни ўзида акс эттирувчи қатор битимларга имзо чекилган. Учинчи босқич, икки томонлама муносабатлар тарихидаги энг муҳим босқич бўлиб, 2014 йилнинг ноябр ойида, амир Шайх Тамим Ол Сонийнинг Хитойга ташрифи билан бошланган. Унда икки томонлама муносабатлар шу тариқа ички, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган қўшма декларация имзоланди ва алоқалар стратегик шериклик сифатидаги янги босқичга кўтарилди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 2011 йилда 5,8 миллиард доллардан 2014 йилда 10 миллиард долларга кўтарилди.⁹ Қатар Хитойга табиий газ етказиб берувчилар орасида Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринда туради ва мавжуд эҳтиёжнинг 20%дан ортиғини таъминлайди. Амирликнинг нефт ва газ соҳасидаги йирик компанияси ҳисобланган Қатар Петролеум ўз йўналишидаги бир қатор Хитой компаниялари билан қўшма корхоналарга эгалик қилади ҳамда икки мамлакатда янги манбаларни қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларини амалга оширади.

Ўзаро савдо динамикаси 2018 йилнинг биринчи чорагида Қатар ва Хитой ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 45 %га ошганлигини кўрсатмоқда. Худди шу даврда Хитойнинг Қатар умумий савдосидаги улуши 27 %га ошди. Бундан ташқари, Хитой 2022 йилда Қатарда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати учун қурилаётган "Лусаил" стадиони, Доҳадаги Ҳамад порти ва амирликнинг бошқа инфратузилма лойиҳаларида фаол иштирок этмоқда¹⁰.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Хитой ва Қатар ўртасидаги муносабатлар сўнги йилларда кенгайиб, янги даражага кўтарилган. Бу давлатлар томонидан олиб борилган рақобатбардошликни ошириш ва экспортга йўналтирилган сиёсатнинг натижасидир.

⁹ <https://beijing.embassy.qa/en/china/qatar--china-relations>

¹⁰ <https://www.lowyinstitute.org/the-interpretor/china-s-rising-interests-qatar>